

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№107 (6.632). Sotuvda erkin narxda

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухрати ва обрў-эътиборини янада юксалтириш, ислохотларни амалга ошириш борасида давлат ҳамда халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон - «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

Абдуразаков Абдурахман

- «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси пўлат эриш цехининг оператори

Мухамеджанов Закир (Зикир Мухамеджанов)

- Ўзбек миллий академик драма театри актёри

Нарзуллоев Ахмат Имидович

- Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раиси

Сагатов Серикбай Жузжасарович

- Навоий вилояти Томди туманидаги «Бирлик» ширкат хўжалиги бош чўпони

Эргашев Аваз

- Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Х.Низоматов номи ширкат хўжалиги раиси

Қаипбергенов Тулепберген


- Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**


Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 август



Нарзуллоев Ахмат Имидович



Сагатов Серикбай Жузжасарович



Эргашев Аваз



Қаипбергенов Тулепберген

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига бекиб ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт равнақи, халқимиз маънавиятини асраб-авайлашга бахш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган бебаҳо илмий-ижодий меросини инобатга олиб, куйидаги марҳум олим, адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

Восит Воҳидов - академик

Махмуд Мирзаев - академик

Асқад Мухтор - Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Иброҳим Мўминов - академик

Раҳим Пирмуҳамедов - Ўзбекистон халқ артисти

Толибжон Содиқов - Ўзбекистон халқ артисти, бастакор ва дирижёр

Сойиб Хўжаев - Ўзбекистон халқ артисти

Рихард Шредер - академик

Шухрат (Фулом Алимов) - Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Раззоқ Ҳамроев - Ўзбекистон халқ артисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 25 август

ЮКСАЛИШ САРИ ЙЎЛ

Чиноз туманида 13 та ширкат ва 452 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётди. 17523 гектар ерда деҳқончилик қилинмоқда. 2003 йили 30920 тонна галла етиштирилди. Туман бўйича ҳосилдорлик гектарига ўртача 45 центнердан тўғри келди. Режадан ошқича етиштирилган 1250 тонна бугдой деҳқонларга тарқатилди.

«Бу йил чинозлик деҳқонларнинг ошиги олчи бўлди, - дейди қувончини яширолмайд Эшонобод ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Ҳасанбой Тожибоев. - Авваламбор, Яратганнинг инояти, қолаверса, деҳқонларимизнинг астойдил қилган меҳнатлари натижасида қўрилганда зийдор ҳосил етиштирилди. Туманимиз галлакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартномавий режасини бажардилар. Яқин йиллар ичида ижарачи деҳқонларнинг оморига бунчалик кўп галла тўқилмаган эди. Масалан, ижарачи Улбўсин Қобулова ўзига бириктирилган 5 гектар ер майдонининг ҳар гектаридан 71 центнердан ҳосил етиштириб, шартномавий режани 178 фоизга уддалади. Режадан орқича етиштирилган ҳосилнинг етмиш фоизини ўзи олди. Бу 5 тоннадан ортиқ дон демек. Эшонобод ширкат хўжалиги кўп тармоқли бўлиб, пахта, галла ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Ҳар йили ишлаб чиқариш режаларини туманда биринчи бўлиб бажаради. Хўжаликда 830 гектар экин экиладиган ерлар ички ижара шартномаси асосида 376 нафар ширкат аъзоларига бўлиб берилган.

(Давоми 2 бетда)

КАДРИЯТ

Абдуқаҳор бахшининг хонишини эшитганингизда ҳаёлингизга деҳқонободнинг пурвқор тоғлари-ю бепоён қир-адирлари келади. Уни тинглаётиб, ўзингизни беихтиёр фусункор табиат кўйида чопқиллаб ўйнаётган болакай каби ҳис этасиз. Абдуқаҳор бахшига Оллоҳ бўлбулқида овоз берган. Достонларни, оқинлик сирларини ҳам раҳматли падари

БАХШИНИНГ БАХТИ

Қодир бахшидан ўрганган. Абдуқаҳор Раҳимов эсини таниб улгурмасданок қўлга дўмбира олди. Атиги биттагина тори бўлса-да, ота-босига, хешу акраболарига, элига ҳамдард, ҳаммаслақ бўлган бу дўмбиранинг сехрига ошно тутинди. «Алло-миш»ни завқланиб айди. - Ҳувчилик кезларимизда бизни пахта Йигим-теримига олиб боришарди, - дейди бахшининг тенгқури Барот Абдураҳимов. - Кун ботғунча пахта терардик.

(Давоми 4-бетда)

ВАЛЮТА СИЁСАТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ:

ИҚТИСОДИЁТ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Ўзбекистон Халқаро валюта фонди (ХВФ) Нисомининг 8-моддаси бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, яъни миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациялашишга ўтиш арафасида турибди. Халқаро иқтисодий муносабатларда муҳим аҳамият касб этувчи ушбу жараён, шубҳасиз, иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида ташланган навбатдаги муҳим қадам бўлиб, бу ўз навбатида республикамизнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида миллий валютасининг жорий операциялар бўйича айирбошланишини амалга ошириш учун республикамизда замонавий шарт-шароит мавжуд эмас эди. **ЖАРАЁН** Утган ўн икки йил давомида эса айнан яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Республикамиз ҳукумати ўша даврдаёқ мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашни ўз олдига асосий вазифалардан бири сифатида қўйди. Бунда асосий эътибор мураккаб иқтисодий вазият юзага келган бир шартда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кўзда тутган ҳолда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилди. Бу ҳаракатлар, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг ички имкониятлари ва дунё бозори конъюнктурасини ҳисобга олиб, мамлакатимизнинг жаҳон меҳнат тақсимида ўзига ҳоким мақоми эгаллашига йўналтирилди.

(Давоми 3-бетда)

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Мухтарам фестивал қатнашчилари! Ҳурматли меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Сизларни қадимий ва бетакорр Ўзбекистон заминиде, ер юзининг сайқали деб ном олган Самарқанд шаҳрида тўртинчи бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалининг тантанали очилиши муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Кўхна тарихимиздаги не-не буюк ва унутилмас воқеаларнинг гувоҳи бўлмиш бу муаззам шаҳарда бошланаётган ушбу санъат анжумани милаҳлат ва инсонлар қалбиде азалдан яшаб келаётган эзгулик ва нафосатга интилиш тўғриси, бугунги кунда турли халқлар ва цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорликка бўлган эҳтиётнинг нечоғли катта эканини яққол намоён этиб турибди.

Одамзот ҳаётининг доимий ҳамроҳи бўлган ва унинг маънавий дунёсини тўлдириб, доимо эзгулик ва покликка қорлаган илоҳий қудрат - музика санъати, ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий таъбири билан айтганда, кўнгли қуввати, руҳ содатирид.

Бу абадий ҳақиқатни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар қайси она ўз фарзандига айтадиган алла оҳанглирида, инсон зотининг ҳар қандай ҳолатда - ёруғ ва қувончли кунларда ҳам, бошига мусибат тушган қайғули лаҳзаларда ҳам музиканинг мўъжизакор қучидан мадад ва таскин топишида кўриш мумкин.

Айниқса, халқлар ва маданиятлар тобора яқинлашаётган ҳозирги глобаллашув даврида, шиддаткор тарқиқёт асрида, шу билан бирга, сайёрамизнинг турли бурчакларида ёвуз қучлар ўз қабил ниятларини амалга оширишга уринаётган бир шароитда, ер юзида ҳаётни асраш, одамларни эзгулик ва бағрикенгликка даъват этишда маданият ва санъат, хусусан, музика дунёсининг таъсири беқисс экани барчангизга яқин аён, деб ўйлайман.

Сиз, азиярларнинг Ўзбекистон диригига ана шундай интилишлар билан ташриф буюраганинги биз жаҳон музика жамоатчилиги томонидан халқимизнинг бебаҳо тарихий ва маънавий меросига, замонавий ўзбек музика санъатига қўрсатилаётган эркин ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб қабул қиламиз.

Шунинг учун ҳам бу анжуманга нафақат ўзининг бетакорр санъатини, айни пайтда ўз она юртининг нафасини ҳам олиб келиб, ўлмас миллий қадриятларини намоён этадиган барча фестивал қатнашчиларини, жумладан, Австрия, Арманистон ва Афғонистон, Буюк Британия ва Бангладеш, Германия ва Греция, Грузия ва Озарбайжон, Италия ва Испания, Индонезия, Исроил, Латвия ва Литва, Россия ва Руминия, Туркия ва Украина, Хитой ва Ҳиндистон, Эрон ва Эстония, Япония ва Жанубий Корея, Миср ва Саудия Арабистони санъаткорларини, ён қўшилариимиз бўлган Қирғизистон ва Қозғоғистон, Тожикистон ва Туркменистондан келган иштирокчиларни қутлаш, барчангизга ўз номидан, бутун ўзбек халқи номидан миннатдорлик билдириб, энг самимий тилакларини изхор қилиш менга чексиз мамнуният бахш этади.

Ишончим комилки, Самарқанднинг мусофос осмони, мовий гўлбазлари остида ўтдириган ушбу нафосат байрами, санъатни теран тушунадиган, санъаткорни юксак қадрлайдиган халқимиз вакиллари билан бўладиган мулоқотлар, учрашув ва суҳбатлар сизларда ўчмас таассурот қолдиради, юртимиздаги беқисс тарихий обидлар, меҳмондўст элимизнинг олижаноб фазилатлари узоқ вақт ёднингизда сақланиб қолади.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, «Шарқ тароналари» музика фестивалининг қисқа муддатда халқаро миқёсда катта обрў ва эътибор қозонишига ўзининг муносиби ҳиссасини қўшаётган ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Халқаро музика кенгаши вакилларига алоҳида ташаккур билдирмоқчиман.

Сизларни анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалининг очилиши билан ана бир буюк қутлар эканман, башариёт таваққурининг буюк ҳазинаси, инсоний ва маънавий қамолот рамзи бўлган музика санъатини бутун дунёда тарғиб қилиш, одамларни нафосат ва гўзалликка ошно этишдек олижаноб фаолиятингизда янги ютуқлар, анжуманишига аса муваффақияти тилайман.

Ўзбекистон диригига, «Шарқ тароналари» музика фестивалига хуш келибсиз, мухтарам дўстлар!

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГРАСИН ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан бу йил тўртинчи бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали маданиятимизни янада чуқур ўрганиш ва юксалтиришга, миллий санъатимизни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга, ёшларимизни унутилмас ва бой анъаналаримизга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилаётган яна бир улкан эътибор намунасирид.

25 август кўни кўхна ва ҳамшиа навқирон Самарқанд шаҳрида анъанавий «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро музика фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган бу фусункор шаҳарда асос солинган «Шарқ тароналари» музика фестивали халқаро

майдонда тобора кенг эътибор қозониб, нафақат Шарқ, балки бутун жаҳонда кўплаб санъат намоёндаларини ўзига жалб этаётгани, қисқа фурсатда катта нуфузга эга бўлиб бораётганидан далолатдир. Бу галги фестивалда кўплаб хориқлик музика илосмандлари ҳам томошабин сифатида иштирок этишмоқда.

Регистон майдонидеги улкан амфитеатр томошабинлар билан тўлган. Кўхна тарихининг боқий гувоҳи бўлмиш миноралар ранго-ранг чироклар ёғдусида анъанавий кўрinish қасб этган. Анжуманга катта хозирлик қўрилди. «Ешлик», «Сўғдийна» истироҳат боғларида улкан

Майдон узра Ўзбекистон Давлат маҳдииси янграйди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро музика фестивали иштирокчилари ва меҳмонларига табригини Бош вазир ўринбосари Х.Кариматов ўқиб эшиттирди. (Давоми 2 бетда)



КЕЛГУСИ СОНДА:

БУРГУТ ЧЎҚКИДА ЯШАЙДИ

НАЙРАНГ

КИМИЗДАН САРХУШ БЎЛГАНМИСИЗ?

ЯНГРАСИН ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Маросимда сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти Аҳмад Жалолий ҳамда «Шарқ тароналари» туртинчи халқаро мусиқа фестивали хайъати раиси Ким Шин Ван (Корея Республикаси) Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуманининг халқаро санъат оламида нуфузи тобора ошиб бораётганини таъкидлади.

Анжуман кунлари «Энг яхши миллий кўшиқ ижроси учун» танлови ўтказилди. Бунда ҳар бир мамлакатдан келган қатнашчи ўз халқининг миллий кўшиқини ижро этди. Тақдир этилган дастурлар миллий мусиқа ижодиёти намуналари, мумтоз ва замонавий мусиқий йўналишлардан иборат бўлиши кўзда тутилган.

Танлов иштирокчиларининг ижросини баҳолашда ўн бир кишидан иборат халқаро хайъат иш олиб боради.

Анъанага мувофиқ фестивал доирасида «Шарқ халқлари мусиқа чолғу асбоблари» мавзусида халқаро илмий-ижодий конференция ўтказилди.

Фестивалнинг ҳар гал миллий мусиқа санъатимизнинг муйайн йўналишига бағишланиши унга ўзига хослик бахш этди. Бу йилги фестивал миллий мақом санъатимизга бағишланди. Таъдбир доирасидаги театрлаштирилган дастур ва гала-концертда ҳам ана шу жиҳатлар ўз аксини топган.

Саҳнада халқаро фестивал очилишига бағишланган театрлаштирилган томошалар бошланади. Миллий мусиқа санъатимизнинг жаҳон тараққиётига, умумбаъшарий қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиеб. Бунинг ифодаси сифатида саҳнада мумтоз мусиқамиз, мақом намуналари, миллий куй-қўшиқлар анъанаси.

Халқаро мусиқа фестивали тантаналарини сўний йўлдош орқали жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакатига олиб кўрсатилади. Фестивал жараёнлари Интернет саҳифаларида ҳам ўз аксини топади.

Ҳа, беш кун давомида қадим Самарқандда дунё мусиқасининг нодир намуналари янгради. Фестивал иштирокчилари ва меҳмонлари бой мусиқа меросимиздан баҳраманд бўлади.

Назокат УСМОНОВА, Акбар ҚАРШИЕВ, Уза Мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: «Шарқ тароналари»дан лавҳалар. Тохир НОРКУЛОВ (Уза) олган суратлар.



ШАЙТОН ВАСВАСИСИ

...Россия шаҳарларидан бирида ишлаб кайтаётган Расул кўчада тасодифан Зокирин учратиб қолди. Улар кўришиб, хол-аҳвол сўрашиб, бир пасга яқин, хўрақлар камроқ ошоналардан бирига киришди. Зокир Расулнинг ота-онаси гўдакликдаёқ оламдан ўтганини, Расул эса амакисининг қўлида тарбия топганини, энди уни уйламоқчи бўлганларида пул ишлаб келиб, сўнг уйланажagini Расул амакиси ва келин аясига тушунтиргани, улардан изн олиб, ўз ихтиёри билан Россияга жўнаганидан хабардор эди. Айтилган мўддат ўтиб, у ваъдасига бинонан уйга кайтмоқда эди. Балки «анча-мунча» толғандир. Зокир Расулнинг амакиси ва келин аяси ўз ота-онасидек бўлиб қолганини, улар орасидан қил ўтмаслигидан ҳам хабари бор эди, ҳозир шуларни уйлаб, фаши келди. Дўстини гапга сола туриб, бир шум ниятни дилига тугиб қўйди.

—Э, ошна, одамнинг оласи ичида бўлар экан. Мана, сен, амакин, яқинларинг учун ишлаб, пул толиб келясан. Уларчи? — деди.

Расул дўстига қаттиқ тикилди: —Хўш? Нима улар?

—Э, қуй... — Зокир гапириб, бир нима халақат бераётгандай, атайлаб тайсаллади.

—Йўқ, айтасан. Бошладимми? Энди айтасан... Гапир.

Салга жаҳли чиқадиган Расул унинг макрасига осонгина, лаққа учётган эди.

—Дилшод уйланди. — Зокир Расулга бир караб қўйиб, давом этди. — Опаларнинг сенинг йўнгида унаштириб қўймоқчи бўлишувди. Сенга қариндошларинг қайси қизни унаштириш ҳақида гап очилса, келинаянг ҳам, амакин ҳам йўққа чиқаришди. Сени уйлаш ҳақидаги гап хаёлларига ҳам келмади. Опаларингни қаттиқ хафа қилди. Дилшодни эса уйлашди.

—Дилшод — амакисининг ўғли. Амакиси Расул икковини эркатлаб. Худо хоҳласа, Хасан-Хусанлардек бир кунда уй-йаламин икковингни, дер эди. Расул ҳозир шуларни дилидан ўтказди. Амакисининг, айниқса, опаларини хафа қилгани газабини жўш урдириб юборди.

...Расул қалддон, болалиги ўтган ҳовлига тун яримида кайфи тароқ ҳалда кириб келди. Ёз тун. Ҳамма маст уйқуда. Қўнғил ташқарида ётади.

Расул ҳовли саҳнидаги ишқонлар остидаги сўрида ухлаб ётган амакисини дарров топди. Амакиннинг бикинига зарб билан ўтқир тигли пичоқни санчаи ва уни бир неча бор буради. Сўнг ичкарида ухлаб ётган келинаясининг кўкраги, бўйин аралаш бир неча бор пичоқ урди. Алаҳсираб уйгонган жиянининг ҳам бўйнига пичоқ тортиб юборди. Кўзига бошқа кимса кўринмади. У бу ишларни шундай тез қилдики, ҳаммаси бир зумда юз берди-қўйди.

Бир кечада ичига кирган арок газаб ва нафрат бўлиб, ўз ишини қилди-қўйди. Расул тонг отишини кутди. Ювинди, ҳуши бироз ўзига келди. Бирдан... қандай дахшатли иш қилиб қўйганини англаб қўркувга тушди. Узини гўдакликдан катта қилган, ота-онасидан зиёда бўлиб қолган меҳрибон амакиси ва келинаясини бир оғиз гап сўрамай, қўчадан, бировдан эшитган галнинг алам-аччида бошига етганини энди англади...

Умида ЮСПОВА

КЎЗИ ЮМУҚ ТАРОЗИБОН

Норбуви хола галати туш кўрди: бир аёл кўзлари боғланган, қўлида тарози ушлаб турибди. Тарози паллаларининг бир гал униси, бир гал буниси оғир келармиш.

Ховлида рўзгор ишлари билан банд Норбуви холани шум хабар эсанкиратиб қўйди. Қўзлари маъносиз, бир нуқтага тикилганча ўтириб қолди. Елғиз ўғли Ҳамиджон эрталаб марказга бозор қилгани кетганди. Уни машина уриб кетганмиш.

Совуқ хабар теъда ховлига қўшчилари ва қариндош-уруғларни тўплади. Туш маҳали «фалокат» йўловчи — ўзига бино қўйган йигит бир ўртоғи билан кириб келди.

—Айб ўғлингизда ҳам, менда ҳам эмас, бу фалокат, — деб ўзини оқлади у. Сўнг ўғлингизнинг соғайишига кетадиган барча ҳаракатлар учун, деб бир ярим минг «кўк» идан тақлиф қилди. Фалокатдан қараб Норбуви хола лом-мим деймай уйга кириб кетган бўлса-да, ховлида қариндош-уруғлар бу тақлифни муқомама қилишга киришдилар. Кимдир бу пулни олиш керак деса, кимдир бунни пасткашликка йўйди.

Онаизорнинг бу ҳаракатини ўзларича тушулган ҳайдовчи йигит билан ўртоғи ўзаро маслаҳатлашиб ховлидан чиқиб кетишди.

Орадани икки кун ўтиб Ҳамиджон касалхонада вафот этди. Норбуви хола барча маросимларни ўтказиб, тегишли идорага берди. Унинг арзини эшитган терговчи ҳамдардлик билдирди. Фалокатдан қараб Норбуви хола лом-мим деймай уйга кириб кетган бўлса-да, ховлида қариндош-уруғлар бу тақлифни муқомама қилишга киришдилар. Кимдир бу пулни олиш керак деса, кимдир бунни пасткашликка йўйди.

Эркин ЁДГОРОВ



(Боши 1-бетда)

—Шу ҳўжаликда кўп йилдан буён ишлайман, — дейди ижарачи Малика Кўнекбоева. — Тўғриси, олдинлари ҳўжалик далаларида унчалик

дейди чинозлик ижарачи Фуломжон Ўсарбоев. — Буни мен ўзининг меҳнат фаолиятида ақлол сезмоқдаман. Истиклол шарофати туфай-



ли деҳқоннинг елкасига офтоб тегадиган, косаси оқарадиган замон келди. Бу йил шартнома асосида ўн гектар жойда галла етиштирилган эдим. Шартнома режасига кўра ҳар

сарруфида. Бугунги кунда тумандаги 452 та фермер ҳўжаликларинида 3475 ҳошир иш билан таъминланган. —Туманимизда фермерлар сони йилдан-йилга ортиб бораётган, — дейди Арслонбоев Аҳмад номли фермер ҳўжалигининг бош-булди. Биласизми, мактабимиз шундай чиройли қурилганки, ўқувчиларимиз хали ўқиш бошланмасда, мактабга келишарти. Ёруғ хонларни, чиройли мебелларни кўриб, уларнинг кўзлари қувончдан порлаб кетади.

Туманда 2003 йилда 3,2 километр газ ва 4 километр сув қувурлари ўтказилди. Жорий йилда таълим муассасаларини капитал таъмирлаш учун 40 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Утган етти ой давомида 2 та кишлок врачлик пункти қурилади, 1 та КПВ тўлиқ кайта таъмирланди. Туманда 31 та спорт зали мавжуд.

Бугун Чиноз туманидаги кишлоқларнинг даярли қир бирида бирор бир бино қурилаётганини кўрасиз.

ҳавас қилса арзийди. Мактабни қайта таъмирлаш ва кўшимча бинолар қурилиши ҳамда янги мебеллар учун 500 миллион сўм сарфланди. Болаларимизга янги ўқув йилига бу жуда катта тўхфа бўлди. Биласизми, мактабимиз шундай чиройли қурилганки, ўқувчиларимиз хали ўқиш бошланмасда, мактабга келишарти. Ёруғ хонларни, чиройли мебелларни кўриб, уларнинг кўзлари қувончдан порлаб кетади.

Туманда 2003 йилда 3,2 километр газ ва 4 километр сув қувурлари ўтказилди. Жорий йилда таълим муассасаларини капитал таъмирлаш учун 40 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Утган етти ой давомида 2 та кишлок врачлик пункти қурилади, 1 та КПВ тўлиқ кайта таъмирланди. Туманда 31 та спорт зали мавжуд.

Бугун Чиноз туманидаги кишлоқларнинг даярли қир бирида бирор бир бино қурилаётганини кўрасиз.

туманлари ичида Чинознинг иқтисодий салоҳияти ҳар томонлама юксалиб бораётган. Балким бунинг сабаби чинозликларнинг тадбиркорлиги билан иш олиб боришлари, меҳнатсеварлиги ёки бошқа туманларда бўлмаган имкониятлари билан



боғлиқдир. —Барча яхши ишлар одамларнинг ташаббускорлигига, тадбиркорлигига, бақараётган ишига бўлган муҳаббатига боғлиқ, — дейди туман ҳокими Йўлдош Тожиев. — Одамлар яхши ишлаб, мўмай даромад қилишарти. Демак, энди уларнинг яхши яшاشи учун кўнглидагидек шароит керак. Шунинг учун биз ҳозирги кунда асосий эътиборни кишлоқларимизни обод қилишга, кишлоқда саноат корхоналарини барпо қилишга, кишлоқ тадбиркорларини қўллаб-қувватлашга қаратганимиз. Хозирги кунда туманда 863 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг янги йиллигига уларга жами 504 миллион сўм кредит берилди.

Чинозда жуда катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган экан. Демак, буларнинг ҳаммаси туманининг молиявий имкониятларига бориб тақалади. Бу ўринда эса туманда иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий чўқурлаштириш борасида аниқ дастурлар белгилаиб, амалга оширилаётганини қўл келмоқда.

Масалан, саноат мажмуасида ишлаб чиқарилган ялли ички махсулот микдори жорий йилнинг ярим йиллигига 8180,9 миллион сўмини, яъни, режага нисбатан 152 фоизни ташкил этди. Утган йилнинг ярим йиллигига нисбатан 600 миллион сўмлик кўп халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

2003 йилнинг биринчи ярмида ташқи савдо айланмаси 9355 минг АҚШ долларини, жумладан, экспорт 3561 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимиз тараққиёти ҳақида тўхталиб: «Ислохотлар тақдир кўп жиҳатдан ҳудудларда, жойларда ҳам бўлади. Ана шу ердаги ўз қари, оддий ишчи ва деҳқон, раҳбарларнинг янги иқтисодий-ижтимоий сиёсатни тўғри тушуниши ва ҳаётга жорий этилишига боғлиқдир», деб таъкидлади.

Демак, Чиноз туманида ҳам барча жаҳаларда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари чинозликларнинг давр талабини тўғри тушуниб, бу ишларни ўзлари, амалга оширишлари шарт эканлигини аниқлаб етганликларининг натижаси бўлса, ажабмас.

Фидокорона меҳнатлари билан Ўзбекистоннинг буюк келажига мустақам пойдор қўйилишига ўз улушларини қўшмоқдалар.

Абдураззоқ КАРИМОВ, «Кишлоқ ҳаёти» мухбири.

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

ЮКСАЛИШ САРИ ЙЎЛ

гектар ердан 39 центнердан ҳосил етиштиришни керак эди. Амалда эса 65 центнердан хирмон кўтардик. Ўн беш тоннадан ортиқ донни ўзининг омиримизга тўқдим. Бунга қўшимча ҳўжаликда нақд пулда оладиган 400 минг сўм атрофидаги иш ҳақим.

Демак, мен келаси йили бундан кўпроқ даромад қилишим учун янада яхшироқ ишлайман. Чунки қанча кўп ишласам, шунча бой бўлишимизга қарфалат бор.

Бозор иқтисодиётига мослаша олмай, иқтисодий таназзулга учраган ҳўжаликларда йиллаб қилган меҳнатига ҳақ ололмаган деҳқонлар бор. Чиноз туманида эса аввалдан ҳар бир иш пулга режа асосида, тадбиркорлик билан олиб борилиши натижасида барча ҳўжаликларда иқтисодий кўрсаткичлар кўнглидагидек.

Масалан, Собир Рахимов номли ширкат ҳўжалигида ишловчиларга иш ҳақи ойма-ой бериб борилади. Утган йил яқунлари бўйича ширкат аъзоларига 6225 минг сўм дивиденд пули тарқатилди. Бу йил биргина галланнинг узидан 20 миллион сўм даромад олинди.

Чинозда ширкат ҳўжалиги раисини, ижарачини ёки фермер билан учрашасизми, ҳаммаси мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик муҷал тўйини кўтаришни руҳ билан кўтиб олишартиганини қувонч билан айтишарти. Чунки улар ўз ишларини аъло даражада урдалашиб кўйишди. Галладан мўл ҳосил олишди, кўсаклари гўж-гўж бўлиб турган гўзалар ҳам улкан пахта хирмонлари уюлишини далолат. Даромад ҳам яхши бўлиши шубҳасиз. Бой одам эса уй қуради, тўй қилади.

Агар туманда қурилишлар заботи шу залда олиб борилса, бир неча йиллардан кейин Чиноздаги кўрган ва кишлоқларнинг қўёғаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетиши шубҳасиз.

Шундай сўзни айтишга туманда кенг жаҳада олиб борилаётган қурилишларни кўриб тўла асосимиз бор.

—Бундан бир йил аввал ҳам иш йўқлигидан қувуриларишимиз бекор ўтиришарти. — дейди тумандаги йирқи қурилиш ташкилотининг бош-лиги Улугбек Хасанов. — Жорий йилдан бошлаб эса қувуриларишимизнинг иш қўнглидан қўли қилга тегмайди. Туманда қурилаётган қурилишлар микёбининг кенглигидан ҳатто мутахассис қувуриларишимиз ҳам етмай қолаётти. Қурилишларнинг асосий қисми кишлоқ жойларда қурилатгани эса жуда яхши бўлмоқда. Чунки узоқ йиллар давомида кишлоқларга эътиборсизлик билан қаралди.

—Мана биз йигирма йилдан буён тиббий ёрдамга муҳтож бўлсак, 17 қачирим йўл босиб туман марказига бораб эдик. — дейди Собир Рахимов ширкат ҳўжалиги ҳудудида яшовчи отахон Мели Бобоев.

Янги қурилган КПВ эса оғиримизни ен-гил қилди. Бу ерда 15 ўринли кундузги даволаш стационари ҳам бор экан. Шу қурилишнинг ташаббускорлигига ва амалга оширилганлигига раҳмат.

Умуман, кейинги йилларда Тошкент вилоятининг

адо этдик. 60 тонна бугдойни аъзоларимизга тарқатдик. Бугдойдан бўшаган 15 гектар майдонга иккинчи экин сифатида картошка эккан эдик. Хозир картошканинг олди гўлга кирди.

Чинозда ширкат ҳўжалиги раисини, ижарачини ёки фермер билан учрашасизми, ҳаммаси мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик муҷал тўйини кўтаришни руҳ билан кўтиб олишартиганини қувонч билан айтишарти. Чунки улар ўз ишларини аъло даражада урдалашиб кўйишди. Галладан мўл ҳосил олишди, кўсаклари гўж-гўж бўлиб турган гўзалар ҳам улкан пахта хирмонлари уюлишини далолат. Даромад ҳам яхши бўлиши шубҳасиз. Бой одам эса уй қуради, тўй қилади.

Агар туманда қурилишлар заботи шу залда олиб борилса, бир неча йиллардан кейин Чиноздаги кўрган ва кишлоқларнинг қўёғаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетиши шубҳасиз.

Шундай сўзни айтишга туманда кенг жаҳада олиб борилаётган қурилишларни кўриб тўла асосимиз бор.

—Бундан бир йил аввал ҳам иш йўқлигидан қувуриларишимиз бекор ўтиришарти. — дейди тумандаги йирқи қурилиш ташкилотининг бош-лиги Улугбек Хасанов. — Жорий йилдан бошлаб эса қувуриларишимизнинг иш қўнглидан қўли қилга тегмайди. Туманда қурилаётган қурилишлар микёбининг кенглигидан ҳатто мутахассис қувуриларишимиз ҳам етмай қолаётти. Қурилишларнинг асосий қисми кишлоқ жойларда қурилатгани эса жуда яхши бўлмоқда. Чунки узоқ йиллар давомида кишлоқларга эътиборсизлик билан қаралди.

—Мана биз йигирма йилдан буён тиббий ёрдамга муҳтож бўлсак, 17 қачирим йўл босиб туман марказига бораб эдик. — дейди Собир Рахимов ширкат ҳўжалиги ҳудудида яшовчи отахон Мели Бобоев.

Янги қурилган КПВ эса оғиримизни ен-гил қилди. Бу ерда 15 ўринли кундузги даволаш стационари ҳам бор экан. Шу қурилишнинг ташаббускорлигига ва амалга оширилганлигига раҳмат.

Умуман, кейинги йилларда Тошкент вилоятининг

граммга яқин героин гиёҳванд моддаси яширин-ча олиб ўтилаётганини аниқланди. Шунингдек, «Гулистон» ширкат ҳўжалиги ҳуду-

гиёҳванд моддаси яшириб қўйилганлиги аниқланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, агарда рессубликамиздаги нархи 100 минг АҚШ доллар атрофида баҳоланувчи ушбу 6,5 килограммга яқин захри қотиллар ўз вақтида ушлаб қолинмаганида, у минглаб кишлоқликлар гиёҳвандликка ружу қўйишига сабаб бўлиши мумкин эди. Пул учун жонини халак бўлса қимсалар қилмишлари оқибатида қанчадан-қанча оилаларнинг бузилиб кетиши, болалар зор қақшаб етим ёки мажрўб бўлиб қолиши мумкинлигини ҳеч уйлаб қўришганимиз?

Яхшиямки, уларнинг бу жиркан фаолиятига ўз вақтида барҳам берилди. Хозирда ушбу ҳар иккала ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Н.САЛОМОВ

ОРЗУЛАР УШАЛМОҚДА

—Шаҳардаги мактабларга, уларда яратилган шарт-шароитларни кўриб, ҳавас қилардим, — дейди Эшонобод кишлоғидаги мактаб директори Эльмира Жумағалиева. — Бизнинг кишлоқ болаларига ҳам шинама мактабларда тахсил олиш насиб этармикан, деб ўйлардим. Мана, бу йил биз муаллимларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам орзуси ушалди. 660 ўқувчи ўқийдиган мактабимизга бугун ҳамма

ОҒУНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛДИ

дадаги айланма йўлларда ўтказилган тезкор чоратадбирлар Тожикистон Республикаси Қурбонов Саид Бўриевичга тегишли қўл суммаси кўздан кечирилганда, унинг ичидаги эркаклар қўйлагига ўралган 1,5 килограммга яқин героин

граммга яқин героин гиёҳванд моддаси яширин-ча олиб ўтилаётганини аниқланди. Шунингдек, «Гулистон» ширкат ҳўжалиги ҳуду-

БОЖХОНА

дадаги айланма йўлларда ўтказилган тезкор чоратадбирлар Тожикистон Республикаси Қурбонов Саид Бўриевичга тегишли қўл суммаси кўздан кечирилганда, унинг ичидаги эркаклар қўйлагига ўралган 1,5 килограммга яқин героин

ЯХШИ ХАБАР

ЧИН ЭЛЧИСИ СИРДАРЁДА

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Чжан Чжи Мин ва элчихона биринчи котиби Ли Еюлар Сирдарё вилоятига таширфи буюришди.

Хитойлик юксак мартабали меҳмонлар Гулистон шаҳрининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар. Шунингдек, улар Боевўт тумани 1-«Боевўт» ҳўжалиги ҳудудидаги «Эшмават ота» фермер ҳўжалиги иш фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

«Эшмават ота» фермер ҳўжалиги раҳбари Р.Гулмуродовнинг айтишича, тез орада бу ерда Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ташкил этилади.

Қудрат АБДУҚУНДУЗОВ

ҲАМКОРЛИК

Оқдарё туман марказий шифокониси ЮНИСЕФнинг «Она ва болга дастуна муносабат» дастури бўйича сertiфикатга эга бўлди.

Мазкур сертификат доирасида мамлакатимизда болалар ўлимини қаматириш борасида болландиялик шифокорлар билан ҳамкорликда бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Шунингдек, инсонпарварлик ёрдами сифатида аёлларда кўп учрайдиган қанқонлик ва рахит касалликларига қарши кўп микдорда дори-дармонлар ҳам юртимизга келтирилди.

Ҳамза ШУКУРОВ

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛМАДИ

(Боши 1-бетда)

У Хусниддин исми шахсининг шаҳардаги «Тригон» фирмасида ишлаб, ижарага машина олиб, мўмайгина пул топаётгани, йигит қўйган бир ярим миллиондан (1.525.000) ошққ пулини долларга алмаштириш ташвишида юрганини ҳамда Сайилгоҳ кўчасида жойлашган «Алл Жамол» банкига навбатда тургани, бироқ иложи топилса, навбатсиз пулини алмаштириш истагида эканлигини айтиб қолди.

Уша лаҳзадаёқ Дилмурод бу фурсатни бой бергиси келмади. Т.га ўша танишининг «хожатини» чиқаришни тақлиф қилди. Сўнг режаси билан ўртқоқлашди. Хусниддинни алдаб пулини олишга даврадаги Т. ҳам, Ш. исми дўстлари ҳам бажонидил рози бўлдилар.

Шу тарзда Дилмурод ва Т.Хуснид-

дин билан қўришиб, «Улугбек» исми йўғит (аслида Ш.) ёрдам бериши мумкинлигини айтишди. Ва «Улугбек» Хусниддиннинг пулини қўлга қиритишга муваффақ ҳам бўлди.

Олирлар бир бечоранинг рўзгоридан ортириб йўғит пулини ўртада бўлишиб олдилар. Айни пайтда Хусниддин намадандир безовталаниб, Т.га ҳар қуни кўнғироқ қилар, унинг гаплари кўнғлидаги шубҳасини орттирарди. Шубҳа тўғри бўлиб қичди. Хусниддин бу ҳақда хўқуқи ҳимоя қилувчи органларга мурожаат қилди.

ЭЛИМ



Ўзбек элим, ўзбек элим, ўз элим, йилгай-йилгай бўлдинг қорақўз, элим. Сенинг тинчнинг учун нечун тикмай хон, Ишонганим, норғул элим, бўз элим.

ШУКУҲЛИ КАРВОНИМ

Оқ йўл тилар башар, эй йўли равои, Шукӯҳли карвоним - Ўзбекистоним. Сен менинг гурурим, кўксимга - иймон, Сен боис танамга татийди жоним.

ВАТАН ШУНҚОРИ

Ким озод Ватаннинг шунқори - Ҳайиқмас, юраги чўғлидир. Ўзбекининг полвои - юрт ори, Халқининг ардоқли ўғлидир.

ДАРЁ

Домлам Ботурхон Валихўжаева

Чўқур дарёга хос осуда оқмоқ, Солар дилга гулу мавжига боқмоқ, Хаёл учғай унинг сарчашмасига - Ки зоҳир айлағай найсонни чакмоқ...

"ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ"

(Боши 1-бетда)

Хожажон - нақшбандия тарихати пирлари: Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳазрат Саййид Мир Қуллод, Ҳазрат Бобой Самосий, Ҳазрат Хожа Али ар-Рометаний, Ҳазрат Махмуд Анжир Фағнавий, Ҳазрат Ориф ар-Ревағарий, Ҳазрат Абдуллоҳи Фиждувонийлар инсон кўнглини обод этмоқ, яъни ундан "бегона ўтлар"ни йўқотмоқ йўлларини кўрсатиб берганлар.

Ҳазрат Абдуллоҳи Фиждувоний рубоийларининг бирида шундай дейилади: Гар бад ҳислатдан муҳаззаб бўлажаксан, Жаҳон халқи ичра муадалла бўлажаксан.

Ҳазрат Абдуллоҳи Фиждувоний дейдиларки, қомил инсон, кўнгли обод киши одамлар айбини очмайди. Чунки ҳар тўқисда бир айб. Қомил инсон ўзи айбига қарайди. Ҳар қандай ҳақиқий инсон одамлар қалбини топувчи, уларга меҳру шафқат кўрсатувчидир.

Ҳазрат Абдуллоҳи Фиждувоний рубоийларида чўқур фалсафий маъноларни қамраб олади. Тарихатга қизиқиш бутун жаҳонда кўнайганига сабаб шунки, инсоният разолатдан, макру фирибдан, ҳасадга баҳилликдан, худбинликдан тўйди! Инсоннинг қалбига эзгулик, поклик, ҳалоллик чанқоқлик пайдо бўлди.

Ҳазрат Абдуллоҳи Фиждувоний рубоийларида чўқур фалсафий маъноларни қамраб олади. Тарихатга қизиқиш бутун жаҳонда кўнайганига сабаб шунки, инсоният разолатдан, макру фирибдан, ҳасадга баҳилликдан, худбинликдан тўйди! Инсоннинг қалбига эзгулик, поклик, ҳалоллик чанқоқлик пайдо бўлди.

Ҳазрат Абдуллоҳи Фиждувоний рубоийларида чўқур фалсафий маъноларни қамраб олади. Тарихатга қизиқиш бутун жаҳонда кўнайганига сабаб шунки, инсоният разолатдан, макру фирибдан, ҳасадга баҳилликдан, худбинликдан тўйди! Инсоннинг қалбига эзгулик, поклик, ҳалоллик чанқоқлик пайдо бўлди.

Ҳазрат Абдуллоҳи Фиждувоний рубоийларида чўқур фалсафий маъноларни қамраб олади. Тарихатга қизиқиш бутун жаҳонда кўнайганига сабаб шунки, инсоният разолатдан, макру фирибдан, ҳасадга баҳилликдан, худбинликдан тўйди! Инсоннинг қалбига эзгулик, поклик, ҳалоллик чанқоқлик пайдо бўлди.

Ҳазрат Абдуллоҳи Фиждувоний рубоийларида чўқур фалсафий маъноларни қамраб олади. Тарихатга қизиқиш бутун жаҳонда кўнайганига сабаб шунки, инсоният разолатдан, макру фирибдан, ҳасадга баҳилликдан, худбинликдан тўйди! Инсоннинг қалбига эзгулик, поклик, ҳалоллик чанқоқлик пайдо бўлди.

Кўнглига сайр

Зарбдор туманидаги Олмачи қишлоғида Уриш Жўрабоевга катта-кичик бирдек иззатда. Фарзандлари ҳам эл қорига ярайдиган инсонлар бўлиб улғайишган. Уриш аканинг катта келини Фаргонанинг Езёвонидан.

Жиззахга Фаргодан келин тушириш осонмас, - дея эслайди Уриш ака сўхбатлашганимизда. Аслида эр-хотин баъаслашга келинликка қишлоғидан кўз остига олиб қўйган қизлари кўп эди. Аммо пойтахтда ўқиб келган ўғли фарғоналик қизга кўнгли қўйган экан, йўқ, деб бўлмади.

Эр-хотин "Кайдасан, Езёвон?" деб йўлга тушдилар. Келин Езёвоннинг Қоратепе қишлоғида яшаркан. Ниҳоят қуда бўлимининг дарвозаси олдида пайдо бўлиди.

Дарвозани, бинони кўриб эр-хотин хангу манг бўлиб қолди. Е, алҳазар! Агар улар Фаргодан турганларини билишмас эди, Олмачида - ўз уйимиз олдида турибмиз, деб ўйлаган бўлардилар. Бинонинг ҳам, дарвозанинг ҳам тузилиши, кўриниши худди Уриш аканинг Олмачидаги дарвозаси, уйининг ўзгачаси эди. Ховлига кирганларидан сўнг ҳайратлари баттар ошди. Ховлидаги иш-комлар... сўри, ошхона... Епирай,

Уриш аканинг Олмачидаги ҳовлисининг ўзи-я. Худди келишиб олгандек, бу ерда ҳам 7 та ишқом бор.

ОЛМАЧИДА ТҮЙ БЎЛДИ

Ошхона ҳам ўнг томонда. Айвон устунлари ҳам 6 та. Айвонларга, устунларга берилган безаклар ҳам бир-бирига худди эгизаклардек ўхшаш.

ТУРМУШ

Уриш аканига ўхшаб молнинг қалла-пачаси қайнаб турмасан, овқат егадэй бўлмасан. Хуллас, "битим имзоланди". Тўй куни белгиланди. Фарғоналиклар-

нинг садағаси кетсан, арзийди. Катта талаб қўйишмади. Бахтли бўлса бўлгани дейишди. Эр-хотин қайтишда яна поездага чиқиди.

"Хой, дадаси, сизга айтилмоқдими, халиги, халиги... - уйга етиб келишганда хотини гудраниб қолди. Уриш аканинг кўнглига гулгула тушди.

"Нима... Тинчликми, ишқилиб. Қани, гапирсанг-чи?..

"Халиги... Хожатхонасининг эшиги ҳам бизникига ўхшаб яримта экан... Уриш ака хожатхонасига бутун эшик топа олмай, ярми йўқ эшикни ўрнатиб қўя қолган эди. Қаранг-а, ўхшатмагунча урнатмас деганларидек, хатто хожатхона эшиклари ҳам бир-бирига ўхшаш... Олмачида тўй бўлди. Бу тўйнинг таърифини ҳали ҳам олмачилиқлар тилдан қўйишмайди.

- Фарғоналик келин қандай экан? - сўраймиз Уриш акадан.

- Келимин ҳақиқий Қумушбиби, - дейди Уриш ака қувонч билан. - Ўғлимнинг пешонасига олисан бўлса ҳам, шундай Қумушбиби ёзилганига шукр қиламан..."

Абулфайз БАРОТОВ, Жиззах вилояти.

ДАДИЛ ҚАДАМ

Фарғона шаҳрида 1990-1991 йилларда туғилган болалар ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари ўтказилди.

Биринчилик беллашувида республикамизнинг 8 та вилоятдан ташриф буюрган ёш футболчилар иштирок этти. Ҳамша - харларимиз барча учра - рухдалари кўтаринки - рухда ўтказилди. Ўзбекистон чемпиони номини қўлга киритдилар. Улар финалда наманганликларни мағлуб этти. Бу болалар спортини ривожлантириш йўлидаги дадил қадам бўлди.

КИСКА САРТЛАРДА

Ўзбекистон телевидениесининг "Қизлар давраси" кўрсатуви ташкил бўлганига 30 йил тўлди. Кўрсатув ижодкорларининг "Буюк ипақ йўли" бўйлаб сафарлари ҳақонли ва тавассуротларга бой ўтмоқда.

Режиссёр Лутфия Рўзиева бошчилигидаги ижодий гуруҳ 7-8 август кўнлари Фарғона шаҳрига ташриф буюрди. Уларни минглаб фарғоналиклар олқишлар билан қутиб олишди. Аҳмад Фарғоний номи истироҳат боғида "Қизлар давраси"нинг юбилей муносабати билан ўтказган гала-концерти санъатсерав шахримиз аҳолисининг кўнглини тadbирига, байрамолди шодийналарга айланиб кетди.

Б.ХОЛМЕТОВ

"ҚИЗЛАР ДАВРАСИ" ФАРҒОНАДА

Ўзбекистон телевидениесининг "Қизлар давраси" кўрсатуви ташкил бўлганига 30 йил тўлди. Кўрсатув ижодкорларининг "Буюк ипақ йўли" бўйлаб сафарлари ҳақонли ва тавассуротларга бой ўтмоқда.

САМАРҚАНД ТУРИЗМ КОЛЛЕЖИНИНГ ҲАҚОНИ

Самарқанд туризм коллежининг ўқитувчиси Гулнора Аҳадованин кун қиқар мамлакатга сафаридан сўнг унинг гардерибда япон аёлларининг кимоноси пайдо бўлди.

ГУЛНОРАНИНГ КИМОНОСИ

Таълим тизими ислохотларига қўмақлашувчи ва янги технологияларни ўқув жараёнларига татбиқ этишчи Япониянинг халқаро ЖСА ташкилоти экспертлари ўтган йили коллежга ташриф буюришганди. Ушунда туризмни ривожлантириш ва ушбу соҳа учун мутахассисларни тайёрлаш соҳасида икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилганди.

Ушбу шартномага кўра айни пайтда коллежда япониялик мутахассис жаноб Ямамото- сан дарс бермоқда. Мураббий Г. Аҳадова эса ўзбек ҳамкасблари билан Японияда бўлди. Ўзбекистонлик меҳмонлар учун икки ва ташқи сайёҳликнинг ўзига хос жиҳатлари ва йўналишлари тўғрисида маърузалар ташкил этилди. Япониянинг Осака, Нара, Кагава шаҳарларига сафарлар уюштирилди.

Эндликда Японияда орттирилган тажрибани Г. Аҳадова ўз ишида муваффақият билан қўлламоқда. Унутилмас сафар чоғида сотиб олинган кимонони эса Гулнора дўст мамлакатнинг байрам кўнларида киймоқда.

"Туркистон-пресс"

Чўққиларга етаклар сўқмоқ



Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

ЎҚИНГ, ҚИЗИК ҚҮРИҚЧИ ИЛОН

Жанубий Африкада аёллар ўғрилاردан қутулишининг осон йўлини топишди. Улар сумкачаларига ҳўшбўй, хидли атирлар, хар хил қимматбаҳо тақинчоқлар билан бирга захарсиз илонларни ҳам солиб қўйишар экан. Ўғрилар сумкани очиб қарашганларидан кичкина қора бошли илонга кўзлари тушиб, жуфтанини ростлаб қолади.

БОШ АЛМАШТИРИЛДИ Швейцариялик жарроҳлар илк марта бош алмаштириш операциясини амалга оширишди.

Тадқиқот маймунларда ўтказилди. Шундан сўнг тажрибали жарроҳлар одамнинг бошини алмаштириш устида ишлаш бошлади. Унинг бошини операция орқали алмаштиришга рўхсат берган женевалик 37 ёшли кишининг боши ўрнига автохалокат қатнаш урча вафот этган 19 ёшли йигитнинг боши қўйилди. Даволанувчи ҳозир ҳаёт, соғлиги ҳам ёмон эмас. Кидирбой ТҮЛАБОВ тайёрлади.

БАХШИНИНГ БАХТИ

Эзгу иши учун "Халқ бахшиси" унвони билан тақдирланди, Марказий Осиё бахши-



Толиб ТЕМИРОВ

Угеряноне Свидетельство 04-02408 FN № 032696, выданное Тагентакентским городским хокимиятом 25 мая 2001 г. на имя Календарева Е.А. ЗАО "PLATINUM PLAST" и свидетельство МинЮста №1431 от 28.05.2001 выданное ЗАО "PLATINUM PLAST" считать не действительным.

Насос-энергетика усунуларни ишлаб чиқариш ва кичик энергетика бўйича муҳандислик-техника уюшмаси ("НЭМ") ОКПО - 15128705 "Сувиншоотмаш" уюшмаси билан бирлашди. Ҳуқуқий ворис - "Сувиншоотмаш" уюшмаси ҳисобланади. "НЭМ" уюшмаси бўйича давралар эълон босилиб чиққандан сўнг бир ой давомида куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш. Ш.Руставели кўчаси, 15-уй. Тел.: 56-16-32; 54-82-12.

РАССОМНИНГ БАЙРАМ СОВҒАСИ

Тошкент. (ЎзА муҳбири Т.Ботирбеков). Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида мамлакатимиз Кунролли Кучлари Марказий музейида тошкентлик рассом Жўра Асроннинг шахсий кўргазмаси очилди.

Жўра Асрон номи ва ижоди Ўзбекистонда ҳамда чет элда яхши таниш. Рассомнинг асарлари мамлакатимизда, АКШ, Миср, Германия, Италия, Хиндистон, Швейцария, Туркия, Эрон, Афғонистон, Австралия, Россия ва бошқа мамлакатларда давлат музейлари ва шахсий тўпламлардан жой олган.

Жўра Асрон ижоди портретлар, манзаралар ва натюрморتلар, турли композициялардан иборат. Рассомнинг портретлари алоҳида қизиқиш уйғотади. У замондошлари - ма-

даният ва санъат арбоблари - Ҳалима Носирова, Муножат Йўлчиева, Абдулла Орипов, Фаттоҳон Мамадалиев ва бошқалар портретларининг бутун бир галереясини яратди.

Буюк аждодларимиз - Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ҳўжа Аҳор Валий портретлари Жўра Асроннинг ҳақиқий ижодий муваффақияти бўлди. Жонли, ёрқин, ўчмас сиймоларни яратиш учун рассом йиллар давомида буюк олимлар ва мутафаккирларнинг ижодий мероси ва ҳаёт саҳифаларини ўрганди.

Кўргазмада рассомнинг йигирмадан ортиқ ишлари намойиш этилмоқда. Бу ерда "Куз", "Ез", "Тонг" каби манзаравий расмлар ҳам бор. Улар жуда нафис ва гўзалдир. Рассомнинг мазкур кўргазмаси - унинг Ватанимиз Мустақиллик кўнига совғасидир.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суниат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Аграрно-комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазириликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43. Котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар - 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс - 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Қоракалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-322-25; Жиззах - 8-372-22-848-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун мувоҳаррич Навбатчи: С.РАҲМОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади. Буюртма Г-571, ҳажми 2 бошқа табоқ. Офсет усулида босилди, коғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади 16 114

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6